

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үч.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МАТЧАНОВ АЛИМЖАН АТАБАЕВИЧ

**ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР ҚИДИРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ
ВА КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) dissertation

Матчанов Алимжан Атабаевич

Жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг
жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатлари 3

Матчанов Алимжан Атабаевич

Уголовно-процессуальные и криминалистические аспекты
совершенствования розыска лиц, совершивших преступления 29

Matchanov Alimjan Atabaevich

Criminal-procedural and criminal aspects of improvement
of search for person committed crimes 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Үн.25.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МАТЧАНОВ АЛИМЖАН АТАБАЕВИЧ

**ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР ҚИДИРУВИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ
ВА КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув ҳуқуқ
ва суд экспертизаси**

**Юридик фанлар доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/Yu42 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Мухамедов Ўткирбек Хазраткулович**
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пулатов Бахтиёр Халилович**
юридик фанлар доктори, профессор

Пулатов Юрий Сайфиевич
юридик фанлар доктори, профессор

Саитбаев Тимур Ренатович
юридик фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент
тадқиқотлари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Yu.25.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил « ___ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (+99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

Докторлик диссертация билан Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (+99871) 265-22-52).

Диссертация автореферати 2019 йил « ___ » _____ кун тарқатилди.

(2019 йил « ___ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.С. Турсунов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

М.З. Зиёдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлар номзоди, доцент

А.Г. Закирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқариш борасида мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ушбу жараённинг таркибий қисми бўлган жиноят содир этиб тергов ва суддан яширинган шахсларни қидириш халқаро миқёсда ижтимоий барқарорликни таъминлашда ҳам катта аҳамият касб этади. 2008–2018 йиллар давомида Австрия, Австралия, Буюк Британия, Германия, Миср, Исроил, Мексика, Польша, Россия, Франция, АҚШ, Канада, Жанубий Корея, Хитой, Япония ва бошқа давлатларда ҳар йили ўта оғир жиноят содир этганлиги аниқланган айбланувчиларнинг ўртача 48–50 фоизи одил судловдан яширингани сабабли уларга нисбатан халқаро қидирув эълон қилинган¹. Бу эса терговдан яширинган жиноятчиларни қидиришнинг жиноят-процессуал, криминалистик, тезкор-қидирув, халқаро-процессуал механизмини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳонда жиноят содир этган шахслар қидирувининг жиноят-процессуал тартибини такомиллаштириш, ушбу фаолиятнинг криминалистик, тезкор-қидирув воситалар билан таъминланишини ривожлантириш, халқаро шартномаларда назарда тутилган ҳолларда ҳамкорликни амалга ошириш масалалари, яширинган жиноятчиларнинг қаердалигини аниқлаш механизмини такомиллаштириш бўйича чуқур илмий тадқиқот ўтказиш муҳим ҳисобланади. Шу билан бирга, яширинган жиноятчиларни қидириш ва ушлаб бериш механизмини комплекс тадқиқ этиш, қидирув фаолиятида инновация ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари, хорижий давлатлар тажрибасини қўллашда вужудга келаётган долзарб муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноят содир этган шахсларнинг қидирувини ташкил этиш ва амалга ошириш амалиётини такомиллаштириш, шунингдек ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар олиб борилмоқда. «Қидирув фаолиятидаги жиддий камчиликлар, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қуйи тизимларидаги ҳамкорлик етарли даражада ташкил этилмагани»² бу борада бир қатор тизимли чора-тадбирлар амалга оширишни, айниқса ички ишлар органлари қидирув фаолиятининг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик ва тезкор-қидирув таъминоти ҳуқуқий мустаҳкамланишини, бу борада ҳамкорликни таъминлаш, соҳага илғор иш тажрибаси ва усуллари, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда қидирувнинг халқаро ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

¹ Қаранг: Wanted persons // <https://www.interpol.int/notice/search/wanted>

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.317.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги (2012), «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги ПФ 4850-сон «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2898-сон «Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, шунингдек соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларнинг бажарилишига муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал, криминалистик жиҳатларига оид илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан – National Institute of Justice (АҚШ), Ecole nationale superieure des officiers de police (Франция), National Research Institute of Police Science (Япония), National University Australia (Австралия), University of Toronto (Канада), Peking University (Хитой), Tel Aviv University (Исроил), Россия Федерацияси ИИВнинг Москва университети (Россия), Беларусь Республикаси ИИВ Академияси (Беларусь), Тожикистон ИИВ Академияси (Тожикистон), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида олиб борилмоқда.

Жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал ва криминалистик жиҳатлари бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар орқали муайян илмий натижалар олинган, жумладан қуйидагилар асослантирилган: жиноят содир этган шахсларни қидиришда электрон on-line қидирув шаклининг ягона тизимини жорий этиш ва унинг

³ Қаранг: <https://www.interpol.int/notice/search/wanted>, <http://www.interpa.org/>, <http://aua.am>, www.alrc.gov.au, www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, www.tilburguniversity.edu, www.du.ac.in, <http://www.unitn.it/en>, msal.ru, diss.mосу-mvd.com/ru/zashita.html, www.e-cis.info, polis.osce.org, www.unodc.org/centralasia/index.html, www.legislationline.org/ru/, diss.mосу-mvd.com/ru/zashita.html ва бошқа манбалар.

жиноят-процессуал тартибини белгилаш (National Institute of Justice); қидирув эълон қилинган жиноятчиларнинг қаерда эканлигини аниқлашда уларнинг манфаатларини жиноят-процессуал муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш орқали ишончли қафолатлаш мумкинлиги (Ecole nationale superieure des officiers de police); яширинган жиноятчилар қидирувида уларни EyeDentify's, Face control орқали криминалистик айнанлаштириш усулини қўллаш механизмини ривожлантириш кераклиги (National Research Institute of Police Science); жиноятчиларнинг қидирувни амалга ошириш фаолиятида ахборот технологияси, яъни Global Navigation Satellite System (GNSS) сунъий йўлдош навигациясидан фойдаланиш жараёнини такомиллаштириш зарурлиги (National University Australia); яшириниб юрган жиноятчилар қидирувида Интернет тармоғидаги Интерполнинг Wanted persons тизимини ривожлантириш орқали халқаро ҳамкорлик самарадорлигини ошириш зарурати (Peking University); террорчилик гуруҳлари аъзоларини ташқи кўриниши белгилари орқали қидирувида габитоскопия, одорология ва бошқа анатомик криминалистик айнанлаштириш турларини қўллаш тактикасини такомиллаштириш муҳимлиги (Tel Aviv University); одил судловдан яшириниб юрган жиноятчиларни маҳаллий, федерал, давлатлараро ва халқаро қидирувини амалга оширишнинг процессуал тартиби назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштирилиши зарурлиги (Россия Федерацияси ИИВнинг Москва университети).

Дунёда жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг самарали жиноят-процессуал тартибини белгилаш; яшириниб юрган жиноятчилар қидирувининг криминалистик имкониятларини такомиллаштириш; қидирувда илмий-техникавий ютуқлар, инновация ва ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш; жиноятчиларни халқаро қидиришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигини мувофиқлаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят содир этган шахсларни қидириш технологиясининг назарий ва амалий қоидалари мамлакатимиз олимларидан Ғ.А.Абдумажидов, З.Ф.Иноғомжонов, Ф.М.Мухитдинов, Ў.Х.Мухамедов, М.А.Ражабова, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, Г.А.Тулаганова, А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н. Гордеев, Д.М.Миразов, Б.Б.Муродов, И.Р.Астанов, Р.А.Сайфулов, А.К.Закурлаев, А.Г.Закирова, Б.Х.Рузметов, Ф.Х.Алимов, А.А.Базаров, Б.Б.Ҳидоят, Б.Н.Рашидов, А.А.Самандаров, А.Х.Саттаров, Д.Ш.Умарханова кабиларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Хорижий мамлакатларда жиноят содир этган шахсларни қидириш масалалари James N.Gilbert, Michael D.Lyman (АҚШ), Л.Ш.Амбасс (Франция), А.Н.Толочко (Беларусь), А.А.Закатов, А.Н.Карпов (Украина), А.Н.Мубораккадамов (Тожикистон), Н.Г.Гасимов (Озарбайжон),

А.Г. Волеводз, Н.И.Малихина, Т.А.Ткачук (Россия)ларнинг тадқиқотларида кўриб чиқилган. Сўнгги йилларда М.А.Бабакова, А.П.Большаков, М.В.Бондарева, К.Г.Иванов, Е.А.Касаткина, А.Н.Карпов, А.В.Павлов, И.В.Путова, А.Н.Толочко, А. Г.Чобанян, Э.Т.Шерба ва бошқалар⁴ жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг жиноят-процессуал, криминалистик, тезкор-қидирув ва халқаро ҳуқуқий жиҳатларига доир тадқиқотлар олиб борган.

Юқоридаги муаллифларнинг тадқиқотларида қидирув билан боғлиқ жиноят-процессуал, криминалистик, халқаро ҳуқуқий ҳамкорликка оид муаммолар алоҳида тарзда ўрганилган. Лекин жиноят содир этган шахслар қидирувининг процессуал тартиби, уни криминалистик таъминлаш ва бу борадаги халқаро ҳамкорлик ягона ҳуқуқий комплекс сифатида ўрганилмаган. Мазкур муаммога оид масалаларнинг кўп жиҳатлари, хусусан яширинган жиноятчиларнинг қидируви жиноят-процессуал қонунчиликка киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчаларни ҳамда қидирувнинг криминалистик тактикасига оид янгиликларни ҳисобга олиб етарлича тадқиқ этилмаган ва ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ҳамда жиноят-процессуал қонунчиликда янгиликларни амалиётга жорий этиш масалалари» илмий-тадқиқот иш доирасида амалга оширилган (2015-2018).

Тадқиқотнинг мақсади жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал тартиби ва криминалистик таъминоти самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асослантирилган таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш ва жиноят-процессуал жиҳатларини назарий-ҳуқуқий таҳлил этиш;

ички ишлар органлари томонидан жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг норматив-ҳуқуқий тартибга солинишини ретроспектив таҳлил қилиш;

яширинган жиноятчиларни қидириш амалиётининг ҳозирги ҳолатини мониторинг қилиш;

жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг криминалистик технологиясини тадқиқ этиш, қидирув фаолиятида улардан фойдаланишнинг инновацион ҳамда ахборот-коммуникацион технологиялари ва хорижий тажрибасини қўллаш;

⁴Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жиноят содир этган шахсларни қидиришда халқаро ташкилотлар фаолиятининг давлатлараро, халқаро қидирув тартиб-таомиллари ва ташкилий-мувофиқлаштириш жиҳатларини ўрганиш;

инновациявий жиноят-қидирув технологияларининг концептуал жиҳатларини, уларни такомиллаштиришнинг долзарб йўналишларини, ошкора тезкор-қидирувни қўллаб-қувватлаш концепцияси, амалиёти ва ривожлантириш йўллари тадқиқ этиш орқали жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг инновацион технологияларини жорий этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг моҳияти ва мазмунига оид назарий-ҳуқуқий жиҳатларни технологик жараённинг жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик таъминоти, ошкора тезкор-қидирув кузатуви, халқаро ҳуқуқий ташкил этилиши сингари таркибий қисмларини қидирув субъектлари – терговчилар, суриштирувчилар, ички ишлар органларининг терговга қадар текширув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслари томонидан илмий тадқиқ этиш орқали комплекс ўрганиш;

жиноят содир этган шахслар қидирувининг комплекс технологияларини жорий этишга қаратилган жиноят-процессуал, ички ишлар органлари тўғрисида, бошқа қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда *de lege ferenda* тартибида норматив-ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида назарий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини жиноят содир этган шахслар қидирувининг жиноят-процессуал тартибини амалга ошириш ва қидирув фаолиятини криминалистик таъминлаш соҳасидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети яширинган жиноятчиларнинг қидирувини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш амалиёти, бу борадаги айрим хорижий давлатлар тажрибаси, илмий қарашлар, жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришга оид методологик, концептуал ёндашувлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, дедукция ва индукция, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўровлари, жиноят ишларини ўрганиш, статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суд ва терговдан яширинган жиноятчилар қидирувининг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик таъминланиши ҳамда қидирув фаолияти устидан прокурор назоратининг механизмини жиноят-процессуал қонунчиликда алоҳида институт сифатида комплекс тарзда ҳуқуқий мустаҳкамлаш зарурлиги асослантилган;

жиноят содир этган шахслар қидируви – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноят содир этиб, суддан ва дастлабки терговдан қасддан яшириниб юрган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мақсадида

уларнинг қаердалигини аниқлаш ва ушлаш орқали тергов ёки суд жараёнида иштирокини таъминлашдан иборат технологик жараён эканлиги асослантирилган ҳамда унинг маҳаллий, давлат даражасидаги, давлатлараро ва халқаро турлари таснифланган;

қидирувда бўлган айбланувчиларнинг конституциявий ҳуқуқларини муҳофаза қилишга қаратилган янги ҳуқуқий қафолатлар – сиртдан айб эълон қилиш, эҳтиёт чорасини қўллашда ҳимоячи ёки қонуний вакилнинг иштироки шартлигини белгилаш қидирувдаги шахсларнинг ҳуқуқлари умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда таъминланишига ҳисса қўшиши асослантирилган;

қонун ҳужжатлари билан яширинган жиноятчиларнинг қидирувини ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини, ушбу жараёндаги ҳамкорлигини, қидирувдагиларни ушлаб туриш масалаларини ҳуқуқий тартибга солиш ички ишлар органларининг жиноят содир этган шахслар қидирувини самарали ташкил этишга хизмат қилувчи омиллар эканлиги асослаб берилган;

жиноятчиликка қарши кураш фаолиятига кўмаклашувчи халқаро ташкилотлар (ИНТЕРПОЛ, ЕВРОПОЛ, ШХТ ва бошқ.) ҳамда алоҳида давлатлар ўртасида қидирув соҳасидаги ҳамкорликнинг механизмларини ўзаро келишиб олиш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш орқали илғор иш усуллари ва тажрибаларини алмашиб бориш, ўзаро молиявий, методик ва техник ёрдам кўрсатиш, бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш халқаро қидирувдаги жиноятчиларни топиш ва ушлаб бериш бўйича давлатлараро ҳамкорликни такомиллаштиришга хизмат қилиши асослаб берилган;

терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширувни амалга оширувчи мансабдор шахсларда, бевосита қидирув фаолияти билан шуғулланувчи ички ишлар органлари ходимларида жиноят содир этган шахсларнинг қидирувини алоҳида технологик жараён сифатида ташкил этишга оид касбий билим, амалий кўникма ва малакаларини ошириш учун уларни алоҳида махсус дастурга мувофиқ ўқитиш зарурлиги асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқот натижасида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36, 38¹, 39², 381⁹, 382 моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали жиноятчиларнинг яширинган жойини тезкорлик билан аниқлаши мумкин бўлган тегишли органлар фаолиятида қидирувни амалга оширишнинг қонуний тартиби мустаҳкамланган.

Ички ишлар органлари томонидан яширинган жиноятчилар қидирувини такомиллаштириш мақсадида «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4, 11, 16–19-моддаларига ўзгартишлар киритишга доир тавсиялар ишлаб чиқилган ва ушбу қонунга киритилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти томонидан тайёрланган ЖПКга ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасида

ЖПКни «Гумон қилинувчи ва айбланувчини қидириш» номли янги 45¹-боб билан тўлдириш ҳақидаги таклиф берилган.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган халқаро ташкилотлар – БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси (БМТ НЖҚКБ), Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) ваколатхоналари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг жиноятчиларни қидириш соҳасидаги фаолиятига жорий этилган.

Тадқиқот материаллари асосида тайёрланган монография, ўқув-амалий қўлланмалар ҳамда «Жиноятни содир этган шахслар қидируви» факультатив курси дастуридан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясидаги таълим жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари соҳага доир қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти, илғор хорижий тажрибалар, жиноят процесси ва криминалистика фанларида умумэътироф этилган қоидалар ва бошқа ишончли манбалар асосида исботланган.

Мазкур тадқиқот доирасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ахборот марказининг 1990-2018 йилларда қидирувда бўлган ва ушланган жиноятчилар тўғрисидаги расмий статистик маълумотлари, соҳа мутахассислари (ички ишлар органлари ходимлари, Академия профессор-ўқитувчилари ва бошқ.) ўртасида ўтказилган анкета сўровлари натижаларидан, айбланувчи қидирувга эълон қилинган 300 та жиноят иши таҳлилидан; яширинган жиноятчилар қидирувини самарали ташкил этиш бўйича 4000 дан ортиқ терговчи, суриштирувчи, тезкор вакил ва бошқа ички ишлар органлари ходимлари ўртасида ўтказилган суҳбат ва сўров натижаларидан фойдаланилган.

Уларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан самарали ўтказилиб, етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланиб, амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан кейинги илмий фаолиятда, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, жиноят-процессуал қонунчиликнинг тегишли қоидаларини шарҳлашда, жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти, дастлабки тергов фанларини илмий-назарий бойитишда, янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланилиши мумкинлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки тергов, суриштирув, тезкор-қидирув ва халқаро қидирув амалиётида жиноят содир этган шахслар қидирувининг жиноят-процессуал тартибини мақбуллаштириш, криминалистик таъминлаш, ошкора тезкор-қидирувни қўллаб-қувватлаш, яширинган жиноятчиларнинг халқаро қидируви борасида

ҳамкорликни такомиллаштиришга бағишланган қонун ҳужжатлари ва чора-тадбирлар дастурлари ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Жиноят содир этган шахслар қидирувини жиноят-процессуал ва криминалистик такомиллаштиришнинг жиҳатлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

қидирувга эълон қилинган, суд ва терговдан яширинган жиноятчилар қидирувининг жиноят-процессуал тартиби, криминалистик тактикаси, прокурор назорати механизмини такомиллаштиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддаси (Терговчининг ваколатлари), 38¹-моддаси (Суриштирувчининг ваколатлари), 39²-моддаси (Терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғи ва унинг мансабдор шахсининг ваколатлари), 381¹-моддаси (Суриштирувни тўхтатиш), 382-моддаси (Прокурор ваколатлари)ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 27 июлдаги 06/2-06вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш асосида, одил судловдан қочиб юрган жиноятчилар қидирувини комплекс процессуал ташкил этишга хизмат қилган;

«жиноят содир этган шахслар қидируви» тушунчасига таъриф бериш ва унинг турларини таснифлашга доир илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Гумон қилинувчи ва айбланувчини қидируви) янги 45¹-боб киритишда фойдаланилмоқда (Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаментининг 2018 йил 29 декабрдаги 18/7404вх-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар жиноят содир этган шахслар қидирувининг илмий-назарий ҳамда ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

қидирувда бўлган айбланувчилар ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид таклифлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази фаолиятида фойдаланилган (Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг 2018 йил 1 августдаги 05/815вх-сон маълумотномаси). Булар дастлабки терговда қидирувга эълон қилинган жиноятчиларнинг ҳуқуқларини умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос равишда таъминланишига ҳисса қўшган;

ички ишлар органларининг яширинган жиноятчиларни қидириш фаолияти механизмини такомиллаштиришга оид таклифлардан 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддаси (Ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари), 11-моддаси (Ички ишлар органларининг бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорлиги), 16-моддаси (Ички ишлар органларининг мажбуриятлари), 17-моддаси (Ички ишлар органларининг ҳуқуқлари), 18-моддаси (Ички ишлар органлари

томонидан шахсларни ушлаб туриш асослари ва тартиби) ва 19-моддаси (Худуддаги участкаларни, турар жойларни, иншоотларни ва бошқа объектларни ўраб олиш (тўсиб қўйиш))ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 06/2-08вх-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши ички ишлар органлари томонидан яширинган жиноятчиларни қидирув технологик жараёнини ривожлантиришга хисса қўшган;

халқаро қидирувда бўлган жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш бўйича давлатлараро ҳамкорликни такомиллаштиришга оид таклифлардан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари фаолиятида фойдаланилган (БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг 2018 йил 23 октябрдаги 172/12вх-сон ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 2018 йил 20 ноябрдаги 720/18вх-сон маълумотлари). Ушбу таклифлар яширинган жиноятчиларни қидиришнинг халқаро тартиб-таомилларини мақбуллаштириш, халқаро ҳамкорликни самарали ташкил этишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 25 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 5 та халқаро, 20 та Республика илмий-амалий конференцияси ва давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуи бўйича жами 60 та илмий иш, жумладан, 3 та монография, 16 та илмий мақола (улардан 5 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 252 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг «**Жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг жиноят-процессуал жиҳатларининг ҳозирги ҳолати ва назарий-ҳуқуқий таҳлили**» номли биринчи бобида норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ретроспектив таҳлил қилинган, қидирув фаолиятининг ҳозирги ҳолати, миллий ва хорижий тажрибаси мониторинг қилинган, жиноят содир этган шахслар қидирувининг жиноят-процессуал тартиб-таомилларини такомиллаштириш муаммолари кўриб чиқилган.

«*Жиноят содир этган шахслар қидируви норматив-ҳуқуқий тартибга солинишининг ретроспектив таҳлили*» номли биринчи параграф яширинган жиноятчиларни қидириш институтини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ривожланишининг тарихини ҳозирги мазмуни бўйича таҳлил қилишга бағишланган. Бу эса Ўзбекистон жиноят процессида ушбу институтнинг моҳияти, аҳамияти ва ролини тушуниш учун зарурий элементдир. Диссертант таҳлиллар асосида жиноят содир этган шахсларни қидириш институтининг ривожланишини тарихий-ҳуқуқий даврлаштиришни таклиф этган.

1959 йилдаги ЖПКнинг 169-моддасини амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 365-моддаси билан қиёсий таҳлил қилиш улар ўртасида унча катта бўлмаган фарқлар мавжудлигини кўрсатди. Бу эса 60 йил мобайнида юридик-ҳуқуқий воқеликда жиддий ўзгаришлар бўлгани, бинобарин, жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг жиноят-процессуал тартибини янада такомиллаштириш зарурлигига қарамай, ушбу даврда яширинган жиноятчиларни қидиришнинг процессуал тартибида жиддий ўзгаришлар бўлмаганидан далолат беради.

Ушбу бобнинг иккинчи параграфи «*Жиноят содир этган шахслар қидирувини амалга оширишининг миллий ва хорижий қонунчилиги ва амалиётининг замонавий ҳолати мониторинги*»га бағишланган бўлиб, унда яширинган жиноятчиларни қидиришнинг жиноят-процессуал тартибини миллий ва хорижий қонун ҳужжатларида тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати ва амалиёти муаллиф ишлаб чиққан инновацион ёндашув – қидирувнинг комплекс жиноят-процессуал технологияси – асосида мониторинг қилинган. Қидирувнинг ушбу технологияси қуйидагиларни қамраб олади: фаолият босқичлари, ҳаракатлар алгоритми, қидирув субъектлари бўлмиш терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслар (жиноят-қидирув тезкор бўлинмаларининг ходимлари), эксперт-криминалист, профилактика инспектори ҳамда ички ишлар органлари (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари) бошқа бўлинмаларининг жиноят содир этган шахсларнинг қаердалигини аниқлаш ва уларни ушлашга қаратилган ҳамкорлиги шакллари.

Жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, мамлакатимизда 1990–2018 йилларда қидирувда бўлган шахслар сони ўртача икки баравардан зиёд ошди, худди шу даврда ушланган жиноятчиларнинг ўртача сони ҳар йили қидирувдагиларнинг ярмидан кўпроғини ташкил қилган, 2008 йилдан то ҳозирги вақтгача ушбу

кўрсаткич қидирув эълон қилинган жиноятчиларнинг ярмидан камроғидир. Бундай тамойил шахс, жамият ва давлатнинг ижтимоий хавфли хусусиятга эга ички таҳдидлардан (жиноятлардан) ҳимояланганлик даражасида кўринадиган ижтимоий хавфсизликни таъминлаш даражасига салбий таъсир кўрсатади.

Муаллиф жиноят содир этган шахсларнинг қидирувини амалдаги жиноят-процессуал, тезкор-қидирув ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини тартибга солувчи бошқа конун ҳужжатларида маҳаллий, давлатга оид, давлатлараро ва халқаро қидирув турлари бўйича акс эттириш зарурлиги билан асослантирган. Диссертант қидирувни ана шу турларга ажратиш катта амалий аҳамиятга эгаллигини таъкидлайди. Ўзбекистон Республикасининг ЖПК, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритилиши яширинган жиноятчиларни қидиришнинг процессуал тартиби, криминалистик таъминоти, тезкор-қидирув кузатуви, халқаро тартиб-таомили механизмини такомиллаштиради, ушбу қидирувни амалга оширувчи субъектлар қидируви фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Учинчи параграф *«Жиноятни содир этган жиноятчи қидирувининг жиноят-процессуал тартиби»* деб номланиб унда яширинган жиноятчилар қидирувининг жиноят-процессуал тартибини такомиллаштириш йўналишлари кўриб чиқилган. Муаллиф яширинган жиноятчиларни қидиришнинг қидирув субъектлари томонидан қўлланиладиган инновацион жиноят-процессуал технологияси улар томонидан қидирув функциясининг жиноят содир этган ва одил судловдан қасддан бўйин товлаётган ва яшириниб юрган маълум шахсни аниқлашга қаратилган тизимли ҳаракатлар ва тадбирлар орқали амалга оширишдан иборатлигига оид қонун асослаб берган.

Тушунчалар аппаратида аниқлик киритилиши жиноят содир этган шахсларни қидириш бўйича жиноят-процессуал технологиянинг жиноят ишларини тергов қилиш таркибидаги ўрни ва аҳамиятини белгилаб берди. Муаллифнинг фикрича, яширинган жиноятчиларни қидириш комплекс хусусиятга эга бўлиб, аниқ жиноят-процессуал регламентацияни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг мазмунида қидирувни амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахсларни, қидирув субъектларининг ваколатларини, қидирув турларини, қидирув субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳамда яширинган жиноятчиларни қидиришда давлат, жамоат ташкилотлари, ОАВларининг иштироқи белгиланадиган «Гумон қилинувчи ва айбланувчини қидириш» номли янги 45¹-боб билан тўлдириш зарурлиги асослантириб берилди.

ЖПК 364-моддасининг биринчи қисми 2-бандига «2) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қаерда эканлиги номаълум бўлганида» деган тахрирда норма киритиш орқали қидирилаётган шахсларга гумон қилинувчини ҳам қўшиб, уларнинг доираси кенгайтирилди. Тергов тўхтатилганидан сўнг зарур

қидирув ҳаракатлари ўтказилишининг жиноят-процессуал режимини аниқлаш учун ЖПКнинг 370-моддасига тегишли ўзгартишлар киритиш таклиф этилди.

Ҳозирги замон талабларини ҳамда жиноят содир этган шахслар қидирувининг процессуал, криминалистик, тезкор-қидирув ва халқаро механизми батафсилроқ тартибга солиниши зарурлигини инобатга олиб, муаллиф тармоқлараро концепцияни ва унинг асосида янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикасининг «Жиноятни содир этган шахсларни қидириш тўғрисида»ги қонуни – лойиҳасини ишлаб чиққан. ЖПКга қидирув тадбирларини терговчининг ваколатларига киритиш имконини берувчи нормалар киритиш, бунинг учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36-моддаси биринчи қисмини «қидирув тадбирлари» жумласи билан тўлдириш мақсадга мувофиқ эканлиги асослантирилган. Муаллифнинг фикрича, қидирув тадбирларини амалга ошириш мажбуриятини нафақат терговга қадар текширув ва тезкор -қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахсларга, балки бевосита терговчи ва суриштирувчига ҳам юклатиш, бунинг учун ЖПК 347-моддасининг биринчи қисми таҳририга тегишли ўзгартишлар киритиш зарур.

Диссертациянинг **«Жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлаш жиҳатлари»** номли иккинчи бобда қидирувни криминалистик технологиянинг моҳияти, яширинган жиноятчилар қидирувида инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллашни криминалистик таъминлашнинг тактик жиҳатлари асослантирилган. Қидирув фаолиятини криминалистик таъминлашда замонавий технологиялардан фойдаланиш борасидаги хорижий тажриба ўрганилган.

Мазкур бобнинг *«Жиноят содир этган шахслар қидирувининг криминалистик технологияси»* деб номланган биринчи параграфда жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлашни тушунишга оид масалалар тадқиқ этилган. Диссертантнинг фикрича, бу жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг криминалистик технологиясидир. Ушбу технология криминалистикадаги илмий-техник тараққиётнинг замонавий инновацион ютуқларига, яъни қидирилаётган жиноятчиларнинг қаердалигини аниқлашда қўлланиладиган тактика, методика, криминалистик техника ва ҳисобларга асосланади.

Муаллиф жиноят содир этган шахслар қидирувининг криминалистик технологиясига янги авлод криминалистикасининг илмий-техник тараққиёт ютуқлари, инновацион, ахборот-коммуникацион технологиялар қўлланиладиган хусусий методикасининг йўналишларидан бири сифатида қараш лозимлигини асослантирган. Бинобарин, бу криминалистикада жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг тактик усуллари ва умуман, стратегиясини такомиллаштириш бўйича янги йўналишларни ишлаб чиқиш ва ажратишни тақозо этади.

Яширинган жиноятчиларни қидиришнинг криминалистик технологияси қидирув умумий технологиясининг таркибий элементи сифатида жиноят-ҳуқуқий блок соҳасида инновацион, ахборот-коммуникацион, компьютер ва бошқа технологиялардан фойдаланган ҳолда қидиришнинг тактик усуллари, методик ишланмаларини қўллашнинг юқорироқ даражасига асосланади. Қидирув технологияси комплекс хусусиятга эга бўлиб, жиноят содир этган шахслар қидирувининг мақсадларига эришиш учун энг зарур жиҳатларини қамраб олган.

Ушбу бобнинг «*Жиноят содир этган шахслар қидирувини таъминлашнинг тактик жиҳатлари*» номли иккинчи параграфиди яширинган жиноятчилар қидирувини криминалистик таъминлашнинг тактик жиҳатлари тадқиқ этилган. Муаллиф қидирув субъектлари томонидан яширинган жиноятчилар қидирувининг криминалистик таъминоти бўйича яширинган жиноятчи бўлиши эҳтимол тутилган жойларда қидирув тадбирлари ўтказишнинг қидирилаётганлар жойлашган ерларни аниқлаш, уларнинг ҳаракатини қийинлаштирадиган вазиятлар яратиш бўйича тадбирлар, комбинациялар ва операциялар ўтказиш, қидирилаётганларни ўз ихтиёри билан келишга ундашга қаратилган тергов, қидирув ва тезкор-қидирув тадбирлари мажмуини ўтказиш каби тактик қидирув тадбирлари қўлланиши асослантирилган.

Жиноят содир этган шахслар қидирувининг криминалистик таъминоти тактикаси комплекс хусусиятга эга эканлиги уни амалга ошириш субъектларининг ҳамкорлигини тақозо этади. У терговчи, суриштирувчининг қидирувнинг криминалистик тусмолларини илгари суриши, текшириши, терговга қадар текшируви ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошираётган мансабдор шахслар билан ҳамкорликда режалар тузиши ва бевосита ҳамкорлик қилиши кабилар умумий қисмга киради. Махсус қисмга эса яширинган жиноятчиларни қидиришнинг биргаликдаги мувофиқлашган қидируви тадбирларини бевосита ўтказишга йўналтирилган аниқ тактик йўллари, усуллари, комбинациялари, операциялари киради.

Бобнинг «*Жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлашда инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялар регламенти*» деб номланган учинчи параграфиди яширинган жиноятчилар қидирувини криминалистик таъминлашда замонавий технологияларни қўллаш механизми ёритилган. Терговчилар, суриштирувчилар терговга қадар текширув ҳамда ички ишлар органлари тезкор-қидирув фаолиятини қидирувга берилган шахсларнинг қаердалигини аниқлашда қидирув салоҳиятини жиддий оширувчи инновацион, ахборот-коммуникацион технологиялар, фан ва техника ютуқларидан фойдаланишнинг илмий асослантирилган криминалистик тактик йўллари, методикаси ва усуллари тадқиқ этилган.

Жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлашда инновацион ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг регламенти тадқиқ этилган, бунда яширинган жиноятчиларни қидиришнинг махсус

йўллари, усуллари, методлари тизими сифатида терговчилар, суриштирувчилар, ички ишлар органлари терговга қадар текшириш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслари фаолиятининг қоидалари мажмуи, тактикаси таърифланган. Диссертантнинг таъкидлашича, қидирув субъектлари фаолиятининг самардорлигини таъминлаш учун инновацияларни қўллаш регламенти ҳамда қидирув криминалистик технологиясининг усуллари ва диагностика воситалари такомиллаштирилиши лозим.

Мазкур бобнинг «*Яширинган жиноятчилар қидирувини криминалистик таъминлашда хорижий давлатларнинг инновацион технологияларни қўллаш тажрибаси*» номли тўртинчи параграфи жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлашда инновацион технологиялардан фойдаланиш борасидаги хорижий тажрибани таҳлил қилишга бағишланган.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси қидирилаётган жиноятчилар ҳақидаги ахборотга электрон ишлов берилиб, полиция ва адлия органларига хизмат кўрсатувчи компьютер, ахборот тармоқлари маълумотлар базасига киритиб борилишидан далолат беради. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Испания, Австрия, Венгрия, Польша, Туркия, Австралия, Хитой, Жанубий Корея, Эрон, Ҳиндистон, Япония, Канада, ЖАР ҳамда бир қатор МДҲ мамлакатларида полициянинг автоматлаштирилган ахборот тармоқларида асосий эътибор яширинаётган жиноятчиларни қайд этиш, ҳисобга олиш, идентификациялашга қаратилади. Ушбу тармоқлар ишлаши учун техник воситалар ва таҳлил қилиш ускуналари билан жиҳозланган инновацион ва ахборот-коммуникацион технологиялар асосида ишловчи криминалистик экспертизалар лабораториялари жалб этилади.

Хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг яширинган жиноятчилар қидирувини криминалистик таъминлаш бўйича инновацион технологияларни қўллашини таҳлил қилиш муаллифга ушбу қидирувни такомиллаштириш принциплари ҳақида хулоса чиқариш имконини берди. Улар қуйидагиларда кўринади:

1) қидирувдаги жиноятчиларнинг шахсига оид маълумотларни олиш мақсадида ягона давлат ахборот-коммуникация тармоғига уланиш учун реал имконият борлиги;

2) қидирув субъектлари ахборот соҳасидаги ҳамкорлигининг ички тизими ахборот-коммуникация технологиялари асосида ишлаши;

3) қидирув турларига асосан идентификацияни таъминлаш учун замонавий инновацион технологиялар билан жиҳозлаш;

4) яширинган жиноятчиларни қидиришнинг картографик тизимини юритиш, уларнинг яшаш, ишлаш жойлари, қариндошларининг, жиноят иши бўйича шерикларининг турар жойлари ва бошқалар.

Қидирилаётган шахс қаердалигини аниқлаш, қидирилаётган жиноятчилар ҳақидаги ахборот технологиялари блокини қамраб оладиган ягона маълумотлар ахборот маконини аниқлаш мақсадида ахборот-қидирув комплекс базасини яратиш ҳамда қидирув субъектларининг фаолиятига

зудликда жорий этиш зарурлиги асослангилган. Ушбу маълумотлар нафақат транспорт ташкилотларининг ахборот тизимида, балки Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг махсус сайтида ҳам яратилади.

Диссертациянинг **«Жиноят содир этган шахслар халқаро қидирувининг ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари»** номли учинчи бобида давлатлараро, халқаро қидирувни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил қилиш хусусиятлари таҳлил қилинган.

Бобнинг *«Жиноятларни содир этган шахсларнинг давлатлараро, халқаро қидирувини амалга оширишда хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий механизми»* деб номланган биринчи параграфида жиноят содир этган шахсларни халқаро миқёсда қидириш, ушлаш ва кейинчалик экстрадиция қилиш тартиб-таомилларини мақбуллаштириш ушбу соҳада мамлакатлар тегишли органларининг ҳамкорлигини ташкил қилиш механизмини такомиллаштириш талаб этилиши асослаб берилган. Диссертантнинг фикрича, ҳамкорлик икки асосий йўналишда, яъни давлат, давлатлараро ва халқаро қидирувнинг ўзаро муносабатларини норматив-ҳуқуқий тартибга солиш, яширинган жиноятчиларни қидиришда полиция тизимининг халқаро ташкилотлари қидирув фаолиятини мувофиқлаштириш йўналишларида амалга оширилади.

Давлатлараро ва халқаро қидирув жараёнида Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан яширинган жиноятчиларни қидириш билан боғлиқ жиноят-процессуал, халқаро-ҳуқуқий ва ташкилий ва тартиб-таомилларга оид, тезкор-қидирув, ахборот-криминалистик ва бошқа тадбирлар мажмуи амалга оширилади. Бунда жиноят полицияси халқаро ташкилотлари – Интерпол, Европол ҳамда жиноят содир этган шахслар халқаро қидирувини мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи бошқа ташкилотлар – алоҳида ўрин тутаяди.

Диссертацияда муаллиф «давлатлараро қидирув» ва «халқаро қидирув» тушунчаларига таъриф берган бўлиб, бунда иштирокчи давлатлар тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг халқаро шартномаларга асосланган фаолияти тушунилади. Уларга ташаббускор давлат талаби асосида иштирокчи мамлакат ҳудудида қидирувни амалга ошириш ҳақидаги тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганида қидирув, тезкор-қидирув ва халқаро қидирув мажмуини амалга ошириш ваколати берилган.

Яширинган жиноятчиларнинг давлатлараро, халқаро қидирувини ташкил қилиш нуқтаи назаридан, диссертацияда МДХга аъзо давлатларнинг «Шахсларни давлатлараро қидириш тўғрисида»ги шартномаси (Москва, 2010 йил 10 декабрь, Ўзбекистон Республикаси учун у 2011 йил 24 августда кучга кирган), БМТ Бош Ассамблеяси янинг 1990 йил 14 декабрда тасдиқланган «Тутиб топшириш тўғрисидаги намунавий шартнома»си (45/116-сон резолюция), «Жиноят судлови соҳасида ўзаро ёрдам ҳақидаги намунавий шартнома»си (45/117-сон резолюция), 2015 йил 30 октябрда МДХ ҳукуматлари бошлиқлари кенгашининг қарори билан тасдиқланган Қидирув

эълон қилинган шахслар тегишли органларининг регламенти ҳамда бошқа халқаро ҳужжатлар таҳлил қилинган.

Муаллиф давлатлараро ва халқаро қидирувни давлатлараро, халқаро қидирувга берилган шахсларни излашнинг методлари, усуллари, йўллари белгиловчи комплекс қидирув технологияси ҳамда ушбу технологик жараёнда халқаро ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-мувофиқлаштириш жиҳатлари сифатида таърифлайди.

«Жиноят содир этган шахслар қидирувини амалга оширишдаги фаолиятида ташкилий-мувофиқлаштириш жиҳатлари» деб номланган иккинчи параграфда халқаро ташкилотларнинг яширинган жиноятчилар қидирувини амалга ошириш фаолиятида иштирокининг жиҳатлари тадқиқ этилган.

Ушбу тоифадаги шахсларнинг давлатлараро ва халқаро қидируви жараёнида давлатлар ҳамкорлигининг халқаро-ҳуқуқий шакллари қўлланилади. Улар кўп томонлама ва икки томонлама шартномалар орқали, халқаро универсал (барча давлатлар учун), минтақалараро ва минтақавий ташкилотларни яратиш орқали амалга оширилади.

Интерполнинг ваколатлари, функциялари ва вазифаларини таҳлил қилиш ушбу ташкилотни давлатларнинг умумжиной жиноятларга қарши курашини мувофиқлаштиришдек махсус ваколатларга эга бўлган энг обрўли, универсал ташкилот экалигини кўрсатди. Бу жиноят полициясининг халқаро тузилмаси бўлиб, унинг вазифаларидан бири яширинган жиноятчиларнинг халқаро миқёсда, иштирокчи давлатларда ташкил этилган Миллий марказий бюрolari орқали бевосита тартибга солишдир.

Муаллиф, шунингдек, халқаро қидирувини амалга ошириш ваколатларига эга бўлган бошқа халқаро ташкилотлар фаолиятини ҳам кўриб чиққан. Европа иттифоқи мамлакатларида – Европол, Америка қитъасида Америка полицияси ҳамжамияти – Америпол (ингл. Ameripol) қидирувни амалга оширади. Осиё, Африка ва Австралияда яширинган жиноятчиларни қидириш ваколатига эга бўлган бундай қитъавий халқаро ташкилот мавжуд эмас. Бироқ уларда жиноят содир этган шахсларни қидириш ваколатига эга минтақавий ташкилотлар бор. Ана шундай тузилмаларга мисол қилиб Хитой, Россия, Ҳиндистон, Покистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ўзбекистон иштирок этган Шанхай ҳамкорлик ташкилотини келтириш мумкин.

Бир қанча халқаро ташкилотлар – Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, ЮНЕСКО (БМТнинг Фан, маданият, таълим масалалари бўйича ташкилоти), ИКАО (Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти) низомларида уларнинг ушбу ташкилотлар фаолияти соҳасига тааллуқли айрим жиноятларга қарши курашда иштирок этиши назарда тутилган. Айни вақтда уларнинг шартномаларида жиноятлар «экстрадицион жиноят» деб аталади, бунда айбдорларни тутиб топшириш, бинобарин, қидириш назарда тутилади.

1955 йилда Халқаро Қизил Хоч кўмитаси шафелигида ўн битта иштирокчи давлатни (Бельгия, Германия, Франция, Греция, Буюк Британия,

Исроил, Италия, Люксембург, Нидерландия, Польша, АҚШни) ўз ичига олган Халқаро қидирув хизмати ташкил этилди. Ушбу ташкилот фаолиятининг тажрибаси халқаро қидирувни мақсадли тарзда амалга ошириш механизми нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Бироқ ташкилотнинг фаолияти муайян соҳа, яъни нацистик жиноятларни содир этган шахсларни қидириш билан чекланган.

Муаллиф мазкур халқаро ташкилотларнинг функция ва вазифаларини таҳлил қилиш асосида уларнинг давлатлар ва уларнинг тегишли органларининг яширинган жиноятчиларни қидириш борасидаги фаолиятидаги ташкилий-мувофиқлаштириш жиҳатлари қидирув самарадорлигини оширишнинг амалий захираларидан ҳисобланади, деган хулосага келган.

Диссертациянинг **«Жиноят содир этган шахслар қидирувининг инновацион тармоқлараро технологиясини такомиллаштириш»** номли тўртинчи бобида криминалистик таъминлашни такомиллаштиришнинг жиноят-процессуал хусусиятлари, долзарб йўналишлари, ошкора тезкор-қидирув кузатувининг инновацион технологиялари, жиноят содир этган шахсларни қидиришда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш концепциялари, амалиёти ва йўлларига тааллуқли инновацион тармоқлараро жиноят қидирув технологияларининг концептуал жиҳатлари очиб берилган.

Ушбу бобнинг *«Жиноят содир этган шахслар қидируви тармоқлараро жиноят-қидирув технологиясининг концептуал жиҳатлари»*га бағишланган биринчи параграфда диссертант яширинган жиноятчиларни қидиришнинг инновацион тармоқлараро жиноят-қидирув технологияларининг концептуал жиҳатларини тадқиқ этиб, ушбу ҳодиса билан боғлиқ замонавий муаммоли ҳолатни таҳлил қилган. Жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришнинг доктринал жиҳатларини қамраб олган (жамлаган) истиқболли йўналиш инновацион жиноят-қидирув технологиясининг тармоқлараро тури сифатида, пировардида, содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини амалга оширишга қаратилган.

Яширинган жиноятчиларни тармоқлараро қидириш технологиясининг мултиплик концепцияси умумилмий, илмий-амалий ва қонунчилик хусусиятига эга қоидалар мажмуини бирлаштирувчи яхлит назарий-амалий тизим бўлиб, жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти ҳамда халқаро ҳамкорликнинг ўзаро алоқаси асосида жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг амалий механизминини ишлаб чиқишга имкон берилади.

Жиноят-қидирув технологияси яширинган жиноятчиларни қидиришнинг жиноят-процессуал, криминалистик, тезкор-қидирув, эксперт-криминалистик, шунингдек халқаро ҳамкорлигига оид ҳуқуқий муносабатлар мажмуини ўз ичига олади. Ушбу технология доирасида терговчи, суриштирувчи, терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахслар, эксперт-криминалистлар соф амалий мақсад, яъни энг кам вақт сарфлаб, яширинган жиноятчини қидириб топиш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги, «Давлат хавфсизлиги хизмати тўғрисида»ги қонунлари ва бир қатор бошқа қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинганлиги сабабли жиноят-процессуал, тезкор-қидирув қонун ҳужжатларида юз бераётган ўзгаришлар туфайли диссертант алоҳида жиноят қидируви технологияси сифатида ифодалаган мазкур комплекс сифатида кўп тармоқли институтнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ушбу бобнинг «*Жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлаш технологиясини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари*» деб номланган иккинчи параграфда яширинган жиноятчиларнинг қидирувини криминалистик таъминлашда илмий тараққиёт, инновацион технологиясини такомиллаштириш муаммолари тадқиқ этилган. Криминалистик таъминлаш технологиясининг мазмунини – кутилган натижага эришиш, яъни қидирилаётган жиноятчини топиш учун зарур методлар ва тактик усуллар мажмуи ташкил қилади. Яширинган жиноятчилар қидирувининг тармоқлараро, комплекс жиноят-ҳуқуқий блокани (жиноят-процессуал тартиб, криминалистик таъминот, тезкор-қидирув кузатуви, халқаро ҳамкорликни) амалга ошириш механизмини такомиллаштириш унинг самарадорлигини ошириш захирасидир.

Бунда криминалистик таъминот технологиясига инновацион методлар ва усуллар, келишилган технологик муносабати ҳамда қидирув фаолиятининг асосий субъектлари ўртасидаги доимий ҳамкорлик билан белгиланадиган яширинган жиноятчиларни қидириш тактикасини такомиллаштириш орқали эришилиши таъкидланади.

Жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлаш технологияси яширинган жиноятчиларни қидириш мақсадининг бирлиги билан боғлиқ қидирув натижаларининг таркибий қисми, ўзига хос кластери бўлиб, қидирув субъектлари томонидан биргаликдаги қидирув тадбирларини мақбул тарзда ташкил этиш ва режалаштириш билан боғлиқ долзарб йўналишга эга. Уларга терговчи, суриштирувчи ҳамда терговга қадар текширув ва ички ишлар органларидаги тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг қидирувига оид криминалистик тактикаси, уларнинг мувофиқлашган биргаликдаги тактик-криминалистик фаолияти асос қилиб олинган. Диссертант яширинган жиноятчиларни қидиришнинг криминалистик алгоритмлашуви ва дастурлашуви сифатида ифодаланган технологияни тақдим этган.

Муаллиф қидирувнинг криминалистик тактикаси самарадорлигини ошириш учун ОАВ имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини далиллар билан асослайди. Унинг фикрича ОАВ қидирувни амалга оширувчи тегишли органлар қидирув субъектларининг фаолиятига аҳолининг кенг қатламларини жалб этиш орқали жиноят содир этган шахслар қидирувига янги туртки беради ва бу билан ушбу фаолиятни криминалистик таъминлаш имкониятларини оширади. Диссертант қидирилаётган шахсларнинг жойлашган ери ҳақидаги ишончли маълумотларга эга фуқароларни моддий

рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш зарурлигини асослаб берган.

Электрон картографик тизим қидирилаётган шахс, унинг қариндошлари, танишлари, касбий кўникмалари ва бошқа ўзига хос белгилари ҳақидаги демографик маълумотларнинг хусусиятлари билан боғлиқ «қидирув майдони»ни белгилайди.

Муаллиф томонидан:

жиноят содир этган шахслар қидирувини криминалистик таъминлаш технологиясининг концептуал асосларини такомиллаштириш йўналишлари аниқланган:

ички ишлар органлари таркибида жиноят содир этган шахсларни қидириш учун алоҳида ихтисослашган қидирув ахборот-коммуникация ҳисоб тизимини яратиш лозимлиги асослантилган;

қидирув йўналишидаги тергов ҳаракатларини, яширинган жиноятчиларни аниқлаш бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг янги усуллари, тактикаси ишлаб чиқилган;

қидирув субъектлари ҳамкорлигининг, инновацион методикаларни қўллашнинг, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда жиноятчиларни қидириш тактикасининг криминалистик технологиялари жорий этилган;

қидирувга эълон қилинган жиноятчиларни топиш бўйича илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш бўйича «йўл харитаси» ишлаб чиқилган ва ҳ.к.

«Жиноят содир этган шахслар қидирувини ошқора тезкор-қидирув қўллаб-қувватлаш ва халқаро ҳамкорликнинг инновацион технологиялари: концепция, амалиёт ва ривожланиш йўллари» деб номланган учинчи параграфда жиноят содир этган шахсларни қидиришда ошқора тезкор-қидирувни таъминлаш ва халқаро ҳамкорликнинг инновацион технологияларини ривожлантириш концепцияси, амалиёти ва йўллари асослантилган.

Яширинган жиноятчиларни қидиришнинг ошқора тезкор-қидирувни таъминлаш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлиги Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ушбу фаолият қонуний хусусиятга эга бўлганидан кейин долзарблашди.

Муаллиф ошқора тезкор-қидирувни таъминлашнинг инновацион технологиясини яширинган жиноятчиларни қидиришнинг тармоқлараро жиноят-қидирув технологияси сифатида тадқиқ этган. Тезкор-қидирув технологиясининг умумий объекти одил судловдан атайин яшириниб юрган, аниқлаш ва ушлаш зарур бўлган тергов органларига маълум жиноятчидир. Ушбу технологиянинг хусусияти шундаки, уни амалга ошириш субъектлари фақат тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган органлардир.

Жиноят содир этган шахсларни қидиришда халқаро ҳамкорлик технологик жараёнининг хусусияти ратификация қилинган халқаро

шартномалар билан тартибга солинадиган давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмаларининг хорижий давлатлардаги тегишли органларнинг ҳуқуқий муносабатларидир. Яширинган жиноятчиларни давлатлараро ва халқаро миқёсда қидиришда мазкур ҳуқуқий муносабатларни самарали бошқаришнинг инновацион механизми ишлаб чиқилган.

Диссертантнинг фикрича, қидирув йўналишидаги ошкора тезкор-қидирув тадбирларининг Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқлаштирилиши жиноят содир этган шахсларни қидириш технологиясини мақбуллаштиришга имкон беради, унинг тезкор-қидирув жиҳатдан қўллаб-қувватланиши халқаро ҳамкорликнинг самарадорлигини оширади. Муаллиф қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш концепциясини ишлаб чиққан.

Жиноят содир этган шахсларни қидиришда, уларнинг қаердалигини аниқлашда ошкора тезкор-қидирувни таъминлаш ва халқаро ҳамкорлик технологияси яширинган жиноятчиларни қидириш бўйича тармоқлараро жиноят-қидирув технологиясига киради ҳамда уларнинг қўлланиши яширинган жиноятчиларни қидириш механизмини сифат жиҳатдан юқори, комплекс, тармоқлараро даражада амалга ошириш имконини беради.

Муаллиф диссертациясида тадқиқотнинг асосий илмий натижаларини тегишли тартибда гуруҳлаштирган: тармоқлараро, жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминалистика, тезкор-қидирув, халқаро ҳамкорлик комплекс технология сифатида илмий-назариясини ривожлантиришга оид хулосалар; яширинган жиноятчиларни қидиришга оид жиноят-процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштириш бўйича таклифлар; жиноят содир этган шахслар қидирувини амалга ошириш бўйича тергов ва тезкор-қидирув амалиёти самарадорлигини оширишга оид тавсиялар.

ХУЛОСА

Жиноят содир этган шахслар қидирувининг жиноят-процессуал, криминалистик жиҳатларини такомиллаштириш муаммоларини комплекс илмий тадқиқ ва таҳлил этиш ҳамда синтезлаш натижасида илмий-назарий, амалий хулосалар, тегишли қонунларнинг нормаларини такомиллаштириш, уларни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга доир умумлаштирилган хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

I. Илмий-назарий хулосалар

Тармоқлараро, жиноят-процессуал ҳуқуқ, криминалистика, тезкор-қидирув, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга оид назарий хулосалар:

1. 1959 йилдаги ЖПКнинг 169-моддаси билан амалдаги Ўзбекистон Республикаси ЖПК 365-моддасининг қиёсий таҳлили, яширинган жиноятчиларни қидиришнинг процессуал тартибида жиддий ўзгаришлар бўлмаганлигини кўрсатиб, ижтимоий муносабатларнинг замонавий

тараққиёти жиноят содир этган шахслар қидирувининг амалдаги жиноят-процессуал тартибини тубдан ўзгартириш зарурлигини тақозо этади.

2. Жиноят-процессуал, тезкор-қидирув ва бошқа қонун ҳужжатларининг илмий таҳлили асосида жиноят-қидирув технологиясининг муаллифлик таърифи шакллантирилди: «жиноят-қидирув технологияси – жиноят содир этган шахслар қидирувини ташкил этиш, яширинган жиноятчиларни қидиришда жиноят-процессуал тартиб, криминалистик таъминот, тезкор-қидирувни таъминлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни комплекс амалга оширишни назарда тутадиган тармоқлараро (жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти ва халқаро ҳуқуқ) ташкилий, ҳуқуқий, институционал жараён».

3. Яширинган жиноятчилар қидирувининг тушунчалар аппаратиغا аниқлик киритилиши жиноят-процессуал механизмни комплекс тарзда тартибга солиш шаклида ифодаланган жиноятларни тергов қилишда қидирув ва тезкор-қидирув тадбирларининг ўрни ва аҳамиятини аниқлашга имкон берди.

4. Диссертант жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти, халқаро ҳуқуқ каби тармоқларнинг элементларини қамраб олган тармоқлараро институт сифатида жиноят содир этган шахслар қидируви ҳақидаги назарий, илмий-амалий қоидаларни асослаб берди.

5. Жиноят содир этган шахслар қидирувининг криминалистик технологияси яширинган жиноятчиларни қидириш самарадорлигини оширишда янги авлод криминалистикасининг фан-техника тараққиёти ютуқлари, инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланувчи хусусий методикаси сифатида ишлаб чиқилди. Тадқиқот жараёнида жиноят содир этган шахслар қидируви криминалистик методикаси ва тактикасининг ушбу турдаги қидирувни амалга ошириш усуллари ва йўллари такомиллаштиришга қаратилган технологик жараёни механизми ишлаб чиқилди.

6. Ўтказилган тадқиқот суриштирувчи ва терговчи билан терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошираётган органлар ўртасидаги ҳамкорликнинг криминалистик тактикасида инновацион технологияни ишлаб чиқишга имкон берди. У қидирувнинг криминалистик тусмолларини илгари суриш ва комплекс қидирув тадбирларини муофиқлаштирувчи қўшма режалар тузиш билан боғлиқ ташкилий жиҳатни қамраб олади. Ҳамкорлик технологиясини амалга ошириш жиҳати биргаликдаги қидирув тадбирларини бевосита амалга оширишга қаратилган аниқ тактик усуллар, методлар, комбинациялар ва тактик операцияларни қўллаш билан боғлиқ.

7. Тадқиқот жараёнида моҳияти иштирокчи давлатлар ваколатли органларининг тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ўртасидаги ҳамкорликдан иборат бўлган, халқаро шартномаларга асосланган, ташаббускор мамлакат талабига кўра иштирокчи мамлакатлар ҳудудида яширинган жиноятчиларни қидиришни ташкил қилишга доир тегишли

ҳужжатларни расмишлаштириш жараёнида қидирув, тезкор-қидирув ва халқаро-ташкилий тадбирларни амалга ошириш ваколати берилган давлатлараро ва халқаро қидирув механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

8. Умумилмий, илмий-амалий ва қонунчилик хусусиятига эга қоидалар мажмуини бирлаштирувчи яхлит назарий-амалий тизим сифатида жиноят содир этган шахсларни қидириш концепциясининг лойиҳаси тайёрланди ва асослаб берилди. Лойиҳа жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти ва халқаро ҳамкорликнинг ўзаро боғлиқлиги асосида яширинган жиноятчиларни қидириш билан шуғулланувчи тармоқлараро институтни такомиллаштиришга қаратилган.

9. Тезкор-қидирув қонунчилигига асосланган ички ишлар органлари жиноят қидирув тезкор бўлинмаларининг фаолияти бўлмиш яширинган жиноятчилар қидирувини ошқора тезкор-қидирув кузатиш технологияси ишлаб чиқилди. Бунда жиноят содир этган шахслар қаерда эканини аниқлаш ва уларни қўлга олиш бўйича тезкор-қидирув тадбирларининг роли ва аҳамияти ҳақидаги ҳулоса асослантирилди.

II. Жиноят-процессуал кодекси нормаларида жиноят содир этган шахслар қидирувини такомиллаштиришга оид таклифлар:

1. ЖПКни қидирув тадбирларини аниқлашга имкон берадиган нормалар билан тўлдириш, ушбу мақсадда 36-модданинг биринчи қисмида қидирув тадбирларини амалга ошириш имконияти билан боғлиқ қуйидаги таҳрирдаги ўзгартишлар киритишни назарда тутиш зарурлиги асослаб берилган: «Терговчи қуйидагиларга ҳақли: жиноят иши қўзғатиш ва уни тугатиш, қўзғатишни рад этиш; жиноят содир этганликда гумон қилинаётган шахсларни ушлаш ва сўроқ қилиш; ушбу Кодексида назарда тутилган тергов ҳаракатлари ва қидирув тадбирларини амалга ошириш; ўз иш юритувига олган ишлар бўйича суриштирув органларига тергов ҳаракатлари, тезкор-қидирув ва қидирув тадбирлари ўтказиш ҳақида ёзма топшириқлар бериш». Шундан сўнг Кодекс моддасининг матни давом этади.

2. Қидирув ишларини амалга оширишни нафақат терговга қадар текширув ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга, балки бевосита терговчи ва суриштирувчига ҳам юклатиш лозим. Бунинг учун ЖПК 347-моддасининг биринчи қисмига ўзгартиш киритиб, уни қуйидаги таҳрирда баён этиш таклифи асослантирилди: «Ҳар бир терговчи ўз иш юритувидagi жиноят иши бўйича шахсан ўзи ёки бошқа терговчи ёки суриштирувчига топшириқ бериш орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг исталган жойида бирор бир тергов ҳаракати ёки қидирув тадбирини амалга оширишга ҳақлидир».

3. Қидирувдаги шахслар доирасини унга айбланувчи билан бирга гумон қилинувчини ҳам киритиш орқали кенгайтириш зарурлиги асослантирилди. Бунинг учун ЖПКнинг 364-моддаси биринчи қисми 2-бандига ўзгартиш

киритиб, қуйидаги таҳрирда бериш тавсия этилди: «2) гумон қилинувчи ёки айбланувчининг қаердалиги номаълум бўлганида».

4. Яширинган жиноятчиларни қидиришнинг жиноят-процессуал тартибини такомиллаштириш мақсадида «Жиноят содир этган шахслар қидируви такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бунда ЖПКни «Гумон қилинувчи ва айбланувчини қидириш» деб номланадиган ҳамда мазмунини қидирув субъектлари, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, қидирувнинг (махаллий, давлат ичидаги, давлатлараро, халқаро) турлари, уларни амалга ошириш тартиби, қидирув субъектларининг ҳамкорлиги, давлат, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг жиноят содир этган шахслар қидирувида иштирок этишларини ташкил этадиган янги 45¹ боб билан тўлдириш таклиф этилди.

5. Тергов тўхтатилганидан кейин тергов ҳаракатлари ва қидирув тадбирларини амалга оширишнинг жиноят-процессуал тартибини белгилаш учун ЖПКнинг 370-моддасига ўзгартишлар киритиш зарурлиги асослантилди: «Терговчи, суриштирувчи, дастлабки тергов тўхтатилишининг асосларидан келиб чиққан ҳолда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ва бошқа тегишли органларнинг айбланувчи сифатида ишга жалб этилиши лозим бўлган шахсларни аниқлаш, яширинган гумон қилинувчилар ёки айбланувчиларни топиш учун тадбирлар ўтказаетганидан хабардор бўлиб туради ва шу мақсадда сўровлар юборади, маълумотлар, тушунтириш хатлари олади, жамоатчилик ёрдамидан фойдаланади... Айбланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган тақдирда терговчи, суриштирувчи жиноят содир этганликда айбланаётган ва бошқа давлатлар ҳудудида яширинган шахсларни халқаро (давлатлараро) даражада қидириш ва тутиб топширишни тартибга соладиган қонун ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномаларга мувофиқ чоралар кўради».

III. Жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг тергов ва тезкор-қидирув амалиётини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишга оид таклиф ва тавсиялар:

1. Жиноят содир этган шахсларни қидиришда жиноят-процессуал тартиб, криминалистик ҳамда тезкор-қидирув жиҳатидан таъминлаш ва халқаро ҳамкорликнинг комплекс, тармоқлараро механизмини батафсил тартибга солиш зарурлигини инобатга олиб, муаллиф алоҳида жиноят-қидирув технологияси сифатида яширинган жиноятчиларни қидириш бўйича тармоқлараро институт концепциясини ва унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг «Жиноят содир этган шахсларни қидириш тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқди.

2. Муаллифнинг қидирув (махаллий, давлат, давлатлараро ва халқаро) турларининг назарий, амалий жиҳатлари бўйича илмий таҳлили жиноят содир этган, одил судловдан яшириниб юрган шахслар қидирувини ташкил қилишда жиноят-процессуал тартиб, криминалистик таъминот, ошкора

тезкор-қидирувни таъминлаш, халқаро ҳамкорликнинг тармоқлараро, комплекс механизмини ишлаб чиқишга имкон берди.

3. Жиноят содир этган шахсларни қидириш назарияси ва амалиётини технологик жараён сифатида ўрганиш асосида, жиноят-процессуал тартиб, криминалистик таъминот, тезкор-қидирув кузатуви ва халқаро ҳамкорлик, инновацион ёндашувнинг хусусиятларини инобатга олиб, ички ишлар органлари суриштирувчилари, терговчилари, қидирув бўлинмаларининг илғор иш тажрибаси мисолида яширинган жиноятчиларни қидиришнинг алоҳида давлат тузилмасини ташкил қилиш концепцияси ишлаб чиқилди.

4. Жиноят содир этган шахсларни қидириш амалиёти бўйича хорижий тажрибадан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органлари қидирув бўлинмалари амалиётига халқаро ҳамкорлик жиноят блоки (жиноят процесси, криминалистика, тезкор-қидирув фаолияти, жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик)нинг тармоқлараро бирлиги сифатида жиноят-процессуал, криминалистик хусусиятга эга бўлган тезкор-қидирув таъминоти, халқаро ҳамкорлик бўйича самарали инновацион-технологик чораларни жорий этиш юзасидан муаллиф концепцияси, яширинган жиноятчилар қидирувини бевосита тартибга солувчи методик ишланмалар, қўлланмалар ишлаб чиқилди. Ушбу концепциянинг аҳамияти жиноят содир этган шахсларни қидиришнинг инновацион технологиясини жорий этишни назарда тутадиган оптимал, тармоқлараро, комплекс, илмий асосланган конструкциясини яратишда намоён бўлади.

Ишлаб чиқилган назарий, илмий-амалий ва қонунчилик хусусиятига эга бўлган таклифлар яширинган жиноятчиларни қидиришни такомиллаштиришга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг жиноятчилар томонидан жиноий жавобгарликдан бўйин товлаш орқали одил судловга қаршилик кўрсатишига қарши самарали амалий чоралар кўрилишини таъминлашга қаратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.YU.25.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ МИНИСТЕРСТВА
ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АКАДЕМИЯ**

МАТЧАНОВ АЛИМЖАН АТАБАЕВИЧ

**УГОЛОВНО-ПРОЦЕССУАЛЬНЫЕ И КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИЕ
АСПЕКТЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ РОЗЫСКА ЛИЦ,
СОВЕРШИВШИХ ПРЕСТУПЛЕНИЯ**

**12.00.09 – Уголовный процесс. Криминалистика, оперативно-розыскное право
и судебная экспертиза**

**АВТОРЕФЕРАТ
докторской (DSc) диссертации по юридическим наукам**

Ташкент – 2019

**Тема докторской (DSc) диссертации зарегистрирована под номером B2017.2.DSc/Yu42
Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Докторская диссертация выполнена в Академии Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.akad.mvd.uz-ilmiy-kengash и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)).

Научный консультант:	Мухамедов Уткирбек Хазраткулович доктор юридических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Пулатов Бахтияр Халилович доктор юридических наук, профессор Пулатов Юрий Сафиевич доктор юридических наук, профессор Саитбаев Тимур Ренатович, доктор юридических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт проблем законодательства и парламентских исследований при Олий Мажлисе Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.25.01 по присуждению ученой степени доктора наук при Академии министерства внутренних дел Республики Узбекистан (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел./факс: (99871) 265-22-52; e-mail: info@akad.mvd.uz).

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии министерства внутренних дел (зарегистрирована под №___). (Адрес: 100197, г.Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел.: (99871) 265-22-52).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.

(протокол реестра №___ от «___» _____ 2019 года).

А.С. Турсунов

Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, доктор юридических наук, доцент

М.З. Зиёдуллаев

Ученый секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат юридических наук, доцент

А.Г. Закирова

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёной степени доктора юридических наук, доктор юридических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире осуществляются целенаправленные меры в бескомпромиссной борьбе с преступностью, составной частью которой является розыск лица, совершившего преступление, в целях реализации уголовно-правового принципа неотвратимости ответственности за совершенное преступление. В обеспечении стабильности общественной безопасности на международном уровне розыск скрывающихся преступников приобретает важное значение. В среднем ежегодно, в период 2008-2018 годы в таких странах, как Австрия, Австралия, Бразилия, Великобритания, Германия, Египет, Израиль, Мексика, Польша, Россия, Франция, США, Канада, Южная Корея, Китай, Япония и других странах, 48-50%¹ объявленных в международный розыск обвиняемых скрываются от правосудия. Это свидетельствует о необходимости дальнейшего совершенствования уголовно-процессуального и криминалистического механизма розыска лиц, совершивших преступления.

В мировом сообществе придается особое значение и является важным глубокое научное исследование совершенствования процессуального порядка, развития криминалистического, оперативно-розыскного обеспечения, вопросов межгосударственного взаимодействия, предусмотренного международными договорами в совершенствовании механизма розыска скрывающихся преступников. Также важное значение имеет поиск научно-теоретических и практических решений применения в деятельности субъектов розыска инновационных, информационно-коммуникационных технологий, опыта иностранных государств в реализации комплексного механизма розыска лиц, совершивших преступления и скрывающихся от органов расследования.

В нашей стране уделяется особое внимание реализации принципа неотвратимости уголовной ответственности в правоохранительной деятельности и осуществляется совершенствование нормативно-правовых актов, относящихся к розыску лиц, совершивших преступления. «Имеются серьезные недостатки в розыскной деятельности, особенно это наблюдается в отсутствии организации достаточного взаимодействия в нижних структурных подразделениях правоохранительных органов»², и это свидетельствует об актуальности совершенствования эффективности правового регулирования и практического осуществления установления места нахождения скрывающегося преступника, уголовно-процессуального порядка, криминалистического, оперативно-розыскного и международного сотрудничества – правового механизма розыска лиц, совершивших преступления.

¹ Каранг: <https://www.interpol.int/notice/search/wanted>

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.317.

Настоящее диссертационное исследование послужит исполнению задач, предусмотренных в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан (1994), законах Республики Узбекистан «Об оперативно-розыскной деятельности» (2012), «Об органах внутренних дел» (2016), указах Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» №УП-4850 от 21 октября 2016 г., «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» №УП-4947 от 7 февраля 2017 г., «О мерах по коренному повышению эффективности деятельности органов внутренних дел, усилению их ответственности за обеспечение общественного порядка, надежной защиты прав, свобод и законных интересов граждан» № УП-5005 от 10 апреля 2017 г., Постановления «О мерах по коренному совершенствованию деятельности органов внутренних дел в сфере расследования преступлений» № ПП-2898 от 18 апреля 2017 г., а также других законодательных актах в данной сфере.

Связь исследования с основными приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена согласно приоритетному направлению развития науки и технологии I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования относительно совершенствования уголовно-процессуальных, криминалистических аспектов совершенствования розыска лиц, совершивших преступления, проводится в ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира, в частности, National Institute of Justice (США), Ecole nationale superieure des officiers de police (Франция), National Research Institute of Police Science (Япония), National University Australia (Австралия), University of Toronto (Канада), Peking University (Китай), Tel Aviv University (Израиль), Московском университете МВД Российской Федерации (Россия), Академии МВД Республики Беларусь, Академии МВД Республики Таджикистан, а также в Академии МВД Республики Узбекистан.

В результате проведенных в мире исследований по совершенствованию уголовно-процессуальных и криминалистических аспектов достигнут ряд результатов, в частности: предложено внедрение розыска в единую on-line форму и определен уголовно-процессуальный порядок (National Institute of Justice); обоснованы возможность совершенствования уголовно-процессуального механизма обеспечения гарантии прав объявленных в

³ Обзор международных научных исследований по теме диссертации осуществлен на базе сайтов: <http://aua.am>, www.alrc.gov.au, www.harvard.edu, www.uni-miskolc.hu/en, www.tilburguniversity.edu, www.du.ac.in, <http://www.unitn.it/en>, diss.mosu-mvd.com/ru/zashita.html, www.e-cis.info, polis.osce.org, www.unodc.org/centralasia/index.html, www.legislationline.org/ru/, diss.mosu-mvd.com/ru/zashita.html, <http://akadmvd.uz> и других источников.

розыск лиц, место нахождения которых неизвестно (Ecole nationale superieure des officiers de police); обосновано развитие механизма применения криминалистической идентификации посредством EyeDentify's, Face control в осуществлении розыска скрывающихся преступников (National Research Institute of Police Science); обосновывается необходимость совершенствования информационной технологии посредством применения спутниковой навигации Global Navigation Satellite System (GNSS) в розыске лиц, совершивших преступления (National University Australia); обоснована необходимость повышения эффективности международного сотрудничества посредством совершенствования системы Интерпола Wanted persons в сети Интернет в розыске скрывающихся преступников (Peking University); обосновано совершенствование тактики применения криминалистической идентификации посредством габитологии, одорологии и других анатомических признаков в розыске членов террористических групп по признакам внешнего вида (Tel Aviv University); обоснована необходимость совершенствования теоретических и практических аспектов процессуального порядка осуществления местного, федерального, межгосударственного и международного розыска скрывающихся преступников (Московский университет МВД Российской Федерации).

В мире в целях повышения эффективности розыска лиц, совершивших преступления, проводятся исследования по следующим приоритетным направлениям: определение эффективного процессуального порядка розыска лиц, совершивших преступления; совершенствование криминалистических возможностей розыска скрывающихся преступников; использование в розыске научно-технических достижений, инновационных и информационно-коммуникационных технологий; координации сотрудничества правоохранительных органов в осуществлении международного сотрудничества.

Степень изученности проблемы. Общие теоретические и практические аспекты розыска лиц, совершивших преступления, освещены в научных исследованиях таких ученых нашей страны, как Г.А. Абдумажидов, З.Ф. Иногомжонина, Ф.М. Мухитдинов, Ё.Х.Мухамедов, М.А.Ражабова, Б.Х.Пулатов, Ю.С.Пулатов, Г.А.Тулаганова, А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев, Д. М.Миразов, Б.Б.Муродов, И.Р.Астанов, Р.А.Сайфулов, А.К. Закурлаев, А.Г.Закирова, Б.Х.Рузметов, Ф.Х.Алимов, А.А.Базаров, Б.Б.Хидоятов, Б.Н.Рашидов, А.Х.Саттаров, Д.Ш.Умарханова и др.

В зарубежных странах вопросы розыска лиц, совершивших преступления, затрагивались в исследованиях James N. Gilbert, Michael D. Luman (США), Л.Ш. Амбасса (Франция), А.Н. Толочко (Беларусь), А.А. Закатова, А.Н. Карпова (Украина), А.Н. Мубораккадамова (Таджикистан), Н. Г. Гасимова (Азербайджан), А.Г. Волеводз, Н.И.Малихина, Г.А. Ткачук (Россия). В последние годы М.А.Бабакова, А.П.Большаков, М.В.Бондарева, К.Г.Иванов, Е.А.Касаткина, А.Н.Карпов,

А.В.Павлов, И.В.Путова, А.Н.Толочко, А. Г.Чобанян, Э.Т.Щерба и др.⁴ провели научные исследования, касающиеся отдельных сторон уголовно-процессуальных, криминалистических, оперативно-розыскных и международно-правовых аспектов розыска лиц, совершивших преступления.

В исследованиях вышеуказанных авторов уголовно-процессуальные, криминалистические проблемы, связанные с розыском скрывающихся преступников, рассматриваются в отдельности. Однако уголовно-процессуальный порядок, криминалистическое обеспечение и международное сотрудничество розыска лиц, совершивших преступления не изучались как единый правовой комплекс. Многие аспекты, связанные с вопросами данной проблемы, в частности последних изменений и дополнений, внесенных в уголовно-процессуальное законодательство относительно розыска скрывающихся преступников, а также с учетом новых изменений криминалистической тактики, не достаточно исследованы и изучены.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательских работ высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Исследование осуществлено в рамках «Вопросы либерализации уголовно-процессуального законодательства Республики Узбекистан и внедрения в практику новаций в уголовно-процессуальном законодательстве» (2015–2018) плана научно-исследовательских работ Академии МВД Республики Узбекистан.

Цель исследования состоит в разработке научно обоснованных предложений, практических рекомендаций, направленных на совершенствование эффективности уголовно-процессуального порядка и криминалистического обеспечения розыска лиц, совершивших преступления.

Задачи исследования:

научное исследование современного состояния и теоретико-правовой анализ уголовно-процессуальных аспектов розыска лиц, совершивших преступления;

проведение ретроспективного анализа нормативно-правового регулирования розыска лиц, совершивших преступления, органами внутренних дел;

мониторинг современного состояния практики осуществления розыска скрывающихся преступников;

научное исследование криминалистической технологии розыска лиц, совершивших преступления, применение инновационных и информационно-коммуникационных технологий и зарубежного опыта их использования в розыскной деятельности;

изучение процедуры межгосударственного, международного розыска и организационно-координационных аспектов деятельности международных организаций в осуществлении розыска лиц, совершивших преступления;

⁴Указанные в автореферате источники приведены в списке использованной литературы диссертации.

разработка научно обоснованных предложений и рекомендаций по внедрению инновационных технологий розыска лиц, совершивших преступления, посредством исследования концептуальных аспектов инновационной уголовно-розыскной технологии, актуальных направлений их совершенствования, концепции, практики и путей развития гласного оперативно-розыскного сопровождения;

комплексное изучение теоретико-правовых аспектов сущности и содержания розыска лиц, совершивших преступления, посредством научного исследования составляющих технологического процесса: уголовно-процессуального порядка, криминалистического обеспечения, гласного оперативно-розыскного сопровождения, международно-правовой организации (механизма) розыска лиц, совершивших преступления, субъектами розыска – следователями, дознавателями, должностными лицами, осуществляющими доследственную проверку и оперативно-розыскную деятельность органов внутренних дел;

разработка теоретико-прикладных рекомендаций и предложений в целях совершенствования уголовно-процессуального, оперативно-розыскного, иного законодательства и нормативно-правового регулирования в порядке *de lege ferenda*, направленных на внедрение комплексной технологии розыска лиц, совершивших преступления.

Объект исследования составляют общественно-правовые отношения, возникающие в сфере осуществления уголовно-процессуального порядка и криминалистического обеспечения розыска лиц, совершивших преступления.

Предметом исследования являются теоретические и прикладные проблемы, нормативно-правовые акты, регулирующие розыск скрывающихся преступников, практика их применения, передовой зарубежный опыт, научные воззрения, методологические, концептуальные подходы совершенствования розыска лиц, совершивших преступления.

Методы исследования. В ходе диссертационного исследования применялись такие методы, как анализ и синтез, дедукция и индукция, логический, сравнительно-правовой анализ, анкетные опросы, изучение уголовных дел, анализ статистических данных, наблюдение.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

обоснована необходимость правового закрепления в уголовно-процессуальном законодательстве в качестве комплекса отдельного института уголовно-процессуального порядка, криминалистического обеспечения и механизма прокурорского надзора розыска преступников, скрывающихся от суда и следствия;

обоснован розыск лиц, совершивших преступления, как технологический процесс, включающий в себя обеспечение деятельности правоохранительных органов с целью привлечения к уголовной ответственности лиц, совершивших преступления и умышленно скрывающихся от предварительного следствия и суда, а также

